

АТРОФ МУХИТГА САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

**Хакназаров Азиз Бахтиёрович,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети тингловчиси**

Аннотация: Инсон ҳаёти ва саломатлиги, шунингдек, жамият барқарорлигини таъминлашда экологик хавфсизликнинг аҳамияти беқиёсдир. Атроф-муҳитга зарар етказувчи ҳар қандай ҳуқуқбузарлик нафақат табиат, балки жамоат хавфсизлиги учун ҳам таҳдиддир. Чунки табиий ресурсларнинг ифлосланиши, ҳаво, сув ва озиқ-овқат сифатининг пасайиши турли эпидемиологик ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. Шу боис экологик ҳуқуқбузарликларнинг жамоат хавфсизлигига таъсирини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади. Мазкур мақолада экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш, экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг жамоат хавфсизлигига салбий таъсирлари ҳуқуқий, ташкилий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинади. Калит сўзлар: экология, ҳуқуқбузарлик экологик ҳуқуқбузарликлар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

КИРИШ

Экологик ҳуқуқбузарликлар — табиат ресурсларининг нотўғри фойдаланилиши, ҳаво, сув, тупроқнинг заҳарланиши, биологик хилма хилликнинг йўқолиши каби ҳолатлар. Улар инсон саломатлиги, иқтисодий ривожланиш ва барқарорликка салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун уларга қарши курашлар, назорат ва жазо чораларининг самараси, назариялари ва миллий ҳам халқаро механизмлари муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда экологик ҳуқуқбузарликлар нафақат табиатга, балки инсон саломатлигига, ижтимоий барқарорликка ва жамоат хавфсизлигига ҳам жиддий таҳдид солмоқда. Экологик муаммоларнинг ортиб бориши, айниқса, атмосферанинг ифлосланиши, сув ресурсларининг заҳарланиши, чиқиндиларнинг назоратсиз ташланиши каби ҳолатлар аҳоли турмуш тарзи ва хавфсизлигига бевосита таъсир қилади. Шу боис экологик ҳуқуқбузарликларнинг

олдини олиш ва уларга қарши ҳуқуқий, ташкилий ҳамда жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Экология (қадимги юнонча *ἔκος* — "уй", "турар жой") — маъносини билдириб, организмдан юқорида жойлашган турли даражадаги тизимлар: популяциялар, биоценозлар, биогеоценозлар (экотизимлар) ва биосфера, шунингдек, улар ичида содир бўладиган жараёнларни ўрганадиган биологик фанлар тўплами ҳисобланади. Экология организмларнинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсирини ўрганадиган фан сифатида ҳам таърифланади. "**Экология**" атамаси 1866 йилда немис экологи **Эрих Геккел** томонидан организмлар ва уларнинг атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларни тавсифлаш учун таклиф қилинган.

Ҳуқуқбузарлик — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)¹

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси — ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш тизимидир².

Экологик ҳуқуқбузарликлар — бу табиий ресурслардан фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли саломатлигини сақлашга оид қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши ҳисобланади.

Уларнинг салбий оқибатлари нафақат табиат тизимини издан чиқаради, балки жамоат хавфсизлигига ҳам жиддий хавф туғдиради.

Масалан:

- атмосфера
- ифлосланиши натижасида аҳолининг турли касалликларга чалиниши;

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. 3-м. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/2387357>. (мурожаат вақти 03.10.2025)

² Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. 3-м. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/2387357>. (мурожаат вақти 03.10.2025)

- сув манбаларида зарарли моддаларнинг кўпайиши оқибатида ичимлик суви хавфсизлигининг йўқолиши;

- чиқиндиларнинг белгиланмаган жойларда тўпланиши ва нотўғри йўқ қилиниши орқали экологияга ажралиб чиқадиган зарарли моддаларни тарқалиши ва санитария қоидаларининг бузилиши.

Экологик ҳуқуқбузарликлар (environmental violations) — ҳаво, сув, тупроқ ифлосланиши, чиқинди ташлаш, биологик хилма-хилликни йўқотиш, ернинг нотўғри фойдаланилиши ва бошқа ҳолатларни ўз ичига олади. Улар инсон саломатлиги, иқтисодий барқарорлик, экосистемаларнинг таҳсили ва миллатларнинг келажагига салбий таъсир қилади. Ўзбекистон ҳам экологик муаммоларни ҳал қилиш бўйича бир қатор қонунчилик, назорат ва институтционал ислохотларни амалга оширмоқда.

Экологик ҳуқуқбузарликлар турли шаклларда намоён бўлади:

- атмосферага таъсир этувчи ҳуқуқбузарликлар:
- (чанг, газ, зарарли моддалар чиқарилиши);
- сув ресурсларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш: (хонадонларнинг, умумий овқатланиш жойларининг, транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш ва ювиш шахобчаларидан чиқадиган фойдаланишга яроқсиз бўлган сувларни, канализация чиқиндиларини очиқ сув ҳавзалари, ариқлар ва каналларга оқизилиши, сувни тежамкорликларсиз ишлатиш ва бефарқ муносабатда бўлиш оқибатида исрофгарчиликларга йўл қўйилган ҳолатда ишлатиш);
- ер ва ўсимлик дунёсига зарар етказиш:
- (қонунсиз дарахт кесиш, ердан самарасиз фойдаланиш);
- санитария талабларига риоя этмаслик (маиший ва саноат чиқиндиларини белгиланган жойларга ташламаслик).

Бундай ҳолатлар аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли эпидемиологик вазиятларни юзага келтиради, айрим ҳолларда эса фавқулодда ҳолатларга сабаб бўлади.

Хўш, экологик ҳуқуқбузарликларнинг жамият хавфсизлигига ижтимоий-ҳуқуқий таъсири қандай?!

Жамоат хавфсизлиги – бу аҳолининг тинчлиги, ҳаёти ва мулки муҳофазаси демакдир. Экологик ҳуқуқбузарликлар жамият хавфсизлигига қуйидагича таъсир қилади:

- ижтимоий-иқтисодий йўқотишларга олиб келади; аҳоли саломатлигини хавф остига қўяди;
- атроф-муҳитдаги издан чиқишлар орқали қишлоқ хўжалиги, саноат ва туризм соҳаларига зарар етказди;
- аҳоли ўртасида норозилик ва ижтимоий беқарорликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида экологик нормалар тизими ўз ифодасини топган бўлиб, уларга фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари (49-модда), фуқаролар атроф-табiiй муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти (62-модда), ёшларнинг экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши (79-модда), маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экологик ваколатларини (123-модда) киритиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасига мувофиқ, ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга. Давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш мажбурияти белгилаб қўйилган. Шунингдек, давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ, атроф муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўради. Конституциянинг 49-моддасига кўра, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик ва атроф-муҳитнинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиши мумкин.

Шу билан бирга фуқароларда ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табiiй муҳитда яшаш, саломатлигини атроф муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқи мавжуд. Айни пайтда фуқаролар

табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш, атроф табиий муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, Конституциянинг 62-моддасида, фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбуряти белгилаб қўйилган. Яъни, фуқаролар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши, табиат бойликларига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиши, экология талабларига риоя этиши шарт.

Бундан ташқари, давлат Конституциянинг 79-моддаси талабларидан келиб чиқиб, ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради.

Атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган чора-тадбирлар қаторида экологик таълим ва экологик маданиятни ошириш тизимини такомиллаштириш муҳим ўрин тутди. Бу ёш авлоднинг экологик билимларини ва маданиятини ошириш, уларда табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш масъулиятини шакллантиришга қаратилган. Шунингдек, бу борада илм-фанни ривожлантириш, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Конституциянинг 123-моддасига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг конституциявий ваколатлари доираси ҳудудларни “экологик жиҳатдан ривожлантириш” масаласи ҳам киради. Мазкур норманинг аҳамияти биринчидан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича асосий вазифаларни белгилаши, иккинчидан, барча даражадаги ҳокимларнинг ўз ҳудудида экологик қонунчилик талабларига риоя этилиши учун шахсий жавобгарлигини белгилаш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасига кўра, “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”. Ушбу конституциявий норма давлатнинг экологик фаолиятининг қуйидаги асосий принципларини белгилайди:

- умуммиллий бойликни муҳофаза қилиш. Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси каби табиий ресурслар халқнинг умумий мулки ҳисобланади ва уларни муҳофаза қилиш давлатнинг асосий вазифаларидан биридир;

- оқилона фойдаланиш. Табиий ресурслардан фойдаланишда экологик меъёрлар ва барқарор ривожланиш тамойилларига риоя қилиш талаб этилади.

- давлат муҳофазаси. Табиатни муҳофаза қилиш ва экологик барқарорликни таъминлаш мақсадида давлат қонунчилик ва бошқарув механизмлари орқали назоратни амалга оширади.

- барқарор ривожланиш. Табиий ресурслардан келажак авлодлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш.

- экологик хавфсизлик. Атроф-муҳитга зарар етказмаслик, экологияни муҳофаза қилиш ва тиклаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

- фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш. Ҳар бир шахснинг соғлом атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқини кафолатлаш ва уларнинг экологик хабардорлигини ошириш.

- жавобгарлик ва назорат. Табиий ресурсларга зарар етказганлик учун ҳуқуқий жавобгарликни кучайтириш, давлат ва жамият назоратини таъминлаш.

Ушбу принциплар давлатнинг экологик сиёсати ва барқарор ривожланиш стратегиясининг асосий йўналишларини белгилаб беради. Шунингдек, “Экология ва жамоат тартибини сақлаш соҳаларидаги қонунчиликни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”³ги Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига⁴, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси

³ Экология ва жамоат тартибини сақлаш соҳаларидаги қонунчиликни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-854-сон Қонуни. 11.07.2023-йил. <https://lex.uz/uz/docs/6530788>. (мурожаат вақти: 03.10.2025)

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этган айбдор шахсларни маъмурийжавобгарликка тортиш учун ички ишлар органларига ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларига тегишли ваколатлар берилган. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларига ушбу Кодекснинг 63-моддасида, 72-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида (сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сувтўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, сув объектларига оқова сувларни оқизишга йўл қўйиш шартлари тўғрисидаги талабларни бузишга оид қисмида, бундан ер ости сувларига доир ҳуқуқбузарликлар мустасно), 79-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 88-моддасида (бундан битум эритиш чоғида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаслик мустасно), 90-моддасининг биринчи қисмида, 91-моддасида (саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузишга оид қисмида), 911-моддасининг биринчи, 912, иккинчи ва учинчи қисмларида, 161-моддаларида, назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар баённома тузиш ваолати берилган⁵.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қатор ислохотлар амалга оширилди. 2023 йил 31 майда “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга кўра, экологик хавфсизликни таъминлаш, чиқиндиларнинг инсон саломатлигига зарарини олдини олиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва санитария ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

2024 йил 26 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида очиқликни таъминлаш

⁵ Экология ва жамоат тартибини сақлаш соҳаларидаги қонунчиликни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-854-сон Қонуни. 2-м. 11.07.2023-йил. <https://lex.uz/uz/docs/6530788>. (мурожаат вақти: 03.10.2025)

хамда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон экологик маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш, чиқиндилар билан ишлашда жамоатчилик иштирокини ошириш ва экологик назоратни кучайтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Юқорида қайд этилган барча ислохотлар ва ташаббуслар Ўзбекистоннинг экология соҳасида олиб бораётган сиёсатининг ижобий натижалари эканлигини тасдиқлайди. Ушбу сиёсат Конституцияда белгиланган тамойилларга асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, 2025 йилнинг “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилиниши бу соҳадаги конституциявий нормалар ва тамойилларни амалга ошириш учун муҳим асос бўлади. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ислохотлар Ўзбекистонда барқарор ривожланишни таъминлаш, фуқароларнинг саломатлиги ва фаровонлигини оширишга қаратилган. Давлат органлари, жамоатчилик ва ҳар бир фуқаронинг бу жараёндаги фаол иштироки экологик муаммоларни самарали ҳал этишга хизмат қилади.

Фикримизча, экологик ҳуқуқбузарликларни олдини олишда, мазкур соҳадасги амалиёти яхшилаш ва экологик ҳуқуқбузарликларга қарши курашни самаралилаштириш бўйича таклифлар ўз самарасини беради:

1. Қонунчиликни янада такомиллаштириш:

✓ Экологик жиноятлар тузумида “экосистема реставрацияси” зарурлигини қонун даражасида кенг қамраб олиш.

✓ Жазо чораларини бузилиш даражасига мослаштириш: фақат жарима эмас, балки зарарни бартараф қилиш, филтрлар ўрнатиш, чиқиндиларни қайта ишлаш каби мажбурий чоралар.

✓ “Яшил” сертификатлар, экологик стандартлар ва экспертизалар учун йўл хариталарини ривожлантириш.

2. Мониторинг ва назорат тизимини модернизация қилиш:

✓ Автоматлаштирилган ҳаво сифати мониторинг станциялари, чиқинди ташлашнинг *point* нуқталари (illegal dumping) ни онлайн камералар ва маълумот тизимлари орқали кузатиш.

✓ Спутник, (дрон) воситасида назорат ва маълумот йиғиш, тезкор хабардорлик тизимлари жорий этиш.

✓ Инспекторларнинг техник ва молиявий ресурслари, тренинг ва малака ошириш ҳам муҳим.

3. Жамоатчилик иштирокини рағбатлантириш:

✓ Экологик маълумотларни олиш, ахборотни очик қилиш, жамоатчилик кенгашлари ва экологик патрулларни жалб этиш.

✓ Маърифий тадбирлар: мактабларда, университетларда экологик ҳуқуқ, масъулият ва санитар шаҳарчилиги ҳақида дарслар, семинарлар.

4. Экологик экспертиза ва инвестициялар:

✓ Хар бир янги объект (саноат, яшилхона, қувват станциялари, қурилиш) учун экологик экспертиза мажбурий бўлиши, экспертизаси манфаатли, мустақил ва профессионал ташкилотлар томонидан ўтказилиши.

✓ Инвестицияларни жалб қилишда “яшил технологиялар” ва чиқиндиларни қайта ишлаш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш борасида изчил ислоҳотлар давом эттирилса келгусида экологик ҳуқуқбузарликлар проифлатикасида ўз самарасини беришига ишонамиз.

Хулоса

Ҳозирги кунда экологик ҳуқуқбузарликлар бутун дунёдаги энг жиддий муаммолардан бири бўлиб, Ўзбекистон ҳам бу муаммонинг кучайишига қарши барча имкониятларини ишга солмоқда. Мамлакатимизда экологик муаммоларнинг кўпайиши нафақат инсон соғлиғига, балки иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун экологик ҳуқуқбузарликларга қарши кураш нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларни ҳам қамраб олиши керак.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда қонунчилик базаси ва назорат механизмлари янада такомиллаштирилиши зарур. Ҳозирги вақтда жавобгарликлар базавий даражада бўлиб, айрим ҳолатларда жавобгар шахслар фақат маъмурий жарима билан чекланмоқда. Бу эса ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга етарли даражада таъсир қилмаяпти. Шу боис, жиноий жавобгарликни кучайтириш,

экологик зарарни бартараф этиш ва қайта тиклашга қаратилган чораларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, экологик назорат ва мониторинг тизимларининг рақамлаштирилиши, замонавий технологиялардан кенг фойдаланилиши орқали ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва тезкор чора кўриш самарадорлигини ошириш мумкин. Бундай усуллар жумладан, сунъий сунъий интеллект, спутник кузатувлари ва дронлардан фойдаланишни ўз ичига олади.

Муҳим жиҳатлардан бири — жамоатчилик ва нодавлат ташкилотларнинг фаол иштироки. Экологик ҳуқуқбузарликларга қарши курашда фуқароларнинг хабардорлиги, ҳуқуқий маданияти ва фаол иштироки энг самарали воситалардан биридир. Шу боис, таълим ва маърифий ишлар, жамоатчилик назоратини кучайтириш орқали экологик соҳага алоқадорликни ошириш зарур.

Иқтисодий жиҳатдан, “яшил иқтисодиёт” тамойилини жорий этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган инвестицияларни кўпайтириш, шунингдек, технологияларни модернизация қилиш орқали ресурсларни тежаш ва чиқинди камайитишга эришиш мумкин. Халқаро ҳамкорлик эса технологик ва молиявий ресурсларни жалб этишда муҳим ўрин тутди. Хулоса қилиб айтганда, экологик ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг самарали бўлиши учун комплекс ёндашув керак: қонунчиликни такомиллаштириш, назоратни кучайтириш, жамоатчилик иштирокини ошириш, замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш ҳамда иқтисодий механизмларни ривожлантириш. Фақат шу йўл билан Ўзбекистон атроф муҳитини муҳофаза қилиш, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва келажак авлодларга соғлом муҳитни сақлаб қолиш имконига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 2023 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021- йил 30-декабрдаги “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги ПҚ-76-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2023-йил 11-июлдаги “Экология ва жамоат тартибини сақлаш соҳаларидаги қонунчиликни такомиллаштирилиши муносабати

билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги ЎРҚ 854-сонли Қонуни.

4. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майдаги ЎРҚ 371-сонли “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни.